O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

«Шарқнинг минг йиллик фалсафаси-ю ислом қадриятлари тараққиёт учун бебаҳо хазинадир.»

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 9-avgust • Payshanba • 94 (27.739) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

ЭЪТИҚОД ЭРКИНЛИГИ – ИНСОН МАЪНАВИЯТИ БОЙЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ДИН ИШЛАРИ БЎЙИЧА ҚЎМИТА РАИСИ ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ ОРТИҚБЕК ЮСУПОВ БИЛАН СУҲБАТ

— Шарқ файласуфларида: «Ислом дини бамисоли ёмғир. Гарчи, бу ёмғир илк бор араб саҳросини қондирган бўлса-да, унинг ёғиши қисқа ва шаррос эди. Мовароуннаҳр заминига эса бу ёмғир майдалаб ва узоқ муддат ёққан», деган гап бор.

— Дарҳақиқат, Бухоро шаҳрининг «Бухорои Шариф» деб эзозланиши, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан 2007 йилда Ватанимиз пойтахтига «Ислом маданияти пойтахти» мақомининг берилиши юқоридаги фалсафий фикрларнинг айни ҳақиқат эканлигидан дарак бериб турибди.

Таъкидлаш жоиз, ислом дини Мовароуннаҳрга ёйилганидан сўнг, аста-секин туб аҳоли маданияти ва маънавиятининг барча соҳаларига кириб борди. Бу ўз навбатида юртимиз маданияти тарихида янги давр, янги саҳифанинг шаклланишига олиб келди. Ушбу жараёнда ислом ва маҳаллий қадрияту одатларнинг ўзаро мужассамлашуви юз берди. Марказий Осиё халқлари ислом динига маҳаллий урф-одат, ҳуқуқий меъёр ва ўзига хос анъаналарни олиб кирдилар.

3-бет



ЭҲТИРОМ ВА ЭЪТИРОФ

Пойтахтимизда «Тошкент – ислом маданияти пойтахти: эҳтиром ва эътироф» мавзуида семинар бўлиб ўтди. Республика Маънавият тарғибот маркази, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда юртимизнинг барча ҳудудларидан келган маънавият тарғиботчилари, олимлар, ўқитувчилар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Минҳожиддин Мирзо, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси вазифасини бажарувчи Ортиқбек Юсупов, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари Абдулазиз Мансур ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда аждодларимизнинг бой маънавий меросини тиклаш, асраб-авайлаш, ўрганиш ва ривожлантиришга ҳамда шу асосда ёш авлод қалби ва онгига эзгу ғояларни сингдиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар. Ислом маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аждодларимиз ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ масканларни таъмирлаш, ободонлаштириш ҳамда табаррук зиёратгоҳларга айлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир.

Қадимий Тошкентнинг қиёфаси истиқлол йилларида таниб бўлмас даражада ўзгарди. Бу ислом маданияти ёдгорликларини таъмирлаш ва ободонлаштириш борасидаги кенг кўламли ишларда ҳам ёрқин намоён бўлмоқда. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Ҳазрати Имом мажмуасида олиб борилган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бунинг яна бир исботидир. Бугун Ҳазрати Имом жомеъ масжиди, Бароҳон мадрасаси, Мўйи муборак зиёратгоҳи, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг янги биноси ва бошқа бетакрор иморатлар нафақат юртдошларимиз, балки хорижлик меҳмонларда ҳам катта таассурот қолдирмоқда.

Тадбирда асрлар оша турли миллат ва диний конфессиялар вакиллари ўзаро тотув ва аҳиллиқда яшаб келаётган юртимиз ислом маданияти ва фалсафаси ривожига бемисл ҳисса қўшиб келаётган мамлакат эканлиги алоҳида қайд этилди. Шу боис Ўзбекистон ҳудудида неча асрлар мобайнида яратилган буюк маданий ва маънавий мерос бутун жаҳон аҳлида тобора катта қизиқиш уйғотаётир. Айни пайтда инсонийлик, меҳр-оқибат, диёнат, ҳалоллик каби олижаноб ғояларга ундовчи ислом динининг асл моҳиятини ёш авлодга тўғри тушунтириш, ислом маданиятини тарғиб этиш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши юртимизда маънавий-маърифий соҳада амалга оширилаётган улкан ишларнинг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофи бўлди.

Тадбир қатнашчилари Ҳазрати Имом ёдгорлик мажмуини зиёрат қилдилар.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

МИЛЛИЙ ҒУРУР ТАЯНЧИ

Ҳамма замонларда ҳам дастурхондаги нон барча ноз-неъматларнинг шоҳи, омбордаги ғалла бойлик ва фаровонлик рамзи, тандир оғзидан чиққан аланга қут-барака белгиси ҳисобланган. Қадрдон даласини ватан, ғаллазорини чаман деб билган бободеҳқоннинг қалб кўри, пешона тери ва кўз нурини эмиб етилган олтин бошоқлар туҳфаси бўлмиш буғдой бебаҳо ва илоҳий неъмат сифатида неча минг йиллардан бери инсониятнинг танига мадор, белига куч, ақлига озуқа бериб, авлодлар силсиласининг бардавомлигини асраб келмоқда.

Республикамиз ғаллакорларининг юксак меҳнат ғалабаси муносабати билан Президентимиз йўллаган табрикни ўқиб туриб, кўнглинг фараҳли туйғуларга тўлади. Зеро, бу қутлов осмонўпар дон хирмонини яратган миришкор деҳқонларга, эл дастурхонини файзиёб қилган соҳибкорларга эҳтиром, ўзбек халқининг кўксини ғурур билан тўлдирган, юртининг шон-шарафини яна бир бор юксалтирган, бугунги кунда салкам йигирма етти миллионлик ўз элини эмас, ўзгаларнинг ҳам қорнини тўйдиришга қодир эканини намоён қилган чинакам фидойиларга барча юртдошлар номидан билдирилган ташаккур ва тасаннодир.

6 миллион 250 минг тонналик ғаллани бир жойга уюлган хирмон сифатида тасаввур этишга инсоннинг тафаккур кучи ожизлик қилади. Аммо у мамлакатимизнинг, халқимизнинг минг-минглаб катта-кичик омборларини тўлдириб, элнинг кўзини ва кўнглини тўйдириб тургани ҳақиқат. Ҳар куни эрта-ю кеч хонадонларда, турли таомхона-ю чойхоналарда, тўй ва базмлар баҳонасида ёзиладиган миллионлаб дастурхонлардаги кўзни қувнатадиган беҳисоб ноз-неъматларнинг асл онаси ўз тупроғимизда ўсган қайроқи дондир. Ўзбек халқи мустақиллигининг шарофати билангина шундай саодатманд кунларга етди. Ўзининг меҳнати билан ҳеч кимдан кам эмаслигини яна бир бор намойиш қилди.

2-бет



ЎзХДП ҳаёти

СИЁСИЙ ВА ФУҚАРОЛИК МАЪРИФАТИ

БИРИНЧИ ЎҚУВ ЙИЛИ ЯКУНИГА ЕТДИ

Президентимизнинг 2006 йил августда қабул қилган «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори кишиларда, айниқса ёшларда юксак маънавиятни шакллантириш ҳамда мамлакатнинг ҳар бир фуқаросида дахлдорлик ҳиссини кучайтиришда муҳим қадам бўлди. Мазкур қарордан келиб чиқадиган вазифаларни амалга оширишга кўмаклашишни ЎзХДП ўзининг асосий устуворликларидан бири этиб белгилади. Ўзбекистон ХДП ташкилотлари Марказий Кенгаш Ижроқўми Ҳайъатининг 2006 йил 9 октябрдаги «Ўзбекистон Халқ демократик партиясида сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ муайян ишларни амалга оширдилар. Миллий мафкура ва мамлакат миллий манфаатларидан келиб чиқиб, ташкил этилган сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимининг 2006-2007 ўқув йили учун мўлжалланган машғулотлари ўз якунига етди. Партия Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳайъати томонидан куни кеча қабул қилинган «Ўзбекистон Халқ демократик партиясидаги сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимида 2006-2007 ўқув йилининг якунлари тўғрисида»ги қарорда мазкур тизимнинг асосий афзалликлари, бу борада партия ташкилотлари томонидан амалга оширилган ишлар, уларнинг натижалари таҳлил қилинди.

Тизимда биринчи ўқув йили 2006 йилнинг ноябрь ойида Марказий Кенгаш ҳузуридаги сиёсий семинарнинг илк машғулоти билан бошланиб, шундан сўнг яна тўртта машғулот ўтказилди. Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларида машғулотлар давом этди. Семинарларда Ўзбекистон ХДПнинг сўл сиёсий платформаси ҳамда сиёсий мафкураси, унинг асосий принциплари, миллий ғоянинг партия мафкураси пойдевори эканлиги, ХДП электорати ва унинг манфаатлари, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги ва унинг ўз тараққиёт йўли, мамлакатни модернизациялашнинг устуворликлари, партия ташкилотларининг «Ижтимоий ҳимоя йили»даги вазифалари каби долзарб мавзулар ўрганилди. Партия сайланма органлари аъзолари ва фаоллари, депутатлар, экспертлар, олимлар, мутахассислар, жамоат ташкилотлари вакиллари қизиқарли маърузалар билан чиқдилар. Семинарларда бошланғич партия ташкилотлари раислари, партиямиз ижтимоий шериклари бўлган жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, партия аъзолари ва электорат вакиллари фаол иштирок этдилар.

Ўтган даврда партияда сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимининг яратилиши учун муҳим қадам қўйилди, дейилади Ижроқўм ҳайъати қарорида. ХДП минтақавий кенгашларининг аксарияти (Бухоро, Наманган, Тошкент, Фарғона, Хоразм вилоятлари) бу ишнинг моҳияти ва аҳамиятини яхши тушуниб, уни ташкил этишга жиддий ёндашди. Машғулотларнинг юқори савияда, мазмунли ва қизиқарли ўтишига ҳаракат қилди. Тошкент шаҳар партия кенгашининг бу борадаги тажрибасини ўрганса арзийди.

Ҳужжатда, шунингдек, машғулотларда йўл қўйилган хато ва камчиликлар, семинарларни ташкил этишдаги айрим нуқсон ҳамда фойдаланилмаган имкониятлар ҳам айтиб ўтилди. Уларни тузатишнинг чора-тадбирлари, янги ўқув йилидаги машғулотларга пухта тайёргарлик кўриш вазифалари белгиланди.

Ўзбекистон ХДП МК
матбуот хизмати

НАВБАТДАГИ САЛОМАТЛИК ПОЕЗДИ

Қорақалпоғистон Республикасига «Экосан» экология ва саломатлик халқаро ташкилоти томонидан «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган навбатдаги саломатлик поезди жўнатилди. Тадбир «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурини бажариш доирасида истиқлолимизнинг 16 йиллигига бағишланган республика экофестиваллар марафони муносабати билан уюштирилди.

Умумий қиймати 50 миллион сўмга тенг санитария ва гигиена воситалари, халқ истеъмоли моллари кам таъминланган ҳамда кўп болали оилалар, ногиронлар, нафақахўрлар, ёлғиз қариялар, шунингдек, ҳудуддаги ижтимоий соҳа объектларига тарқатилади.

Жорий йил бошидан буён бу Қорақалпоғистонга жўнатилган иккинчи поезддир. «Экосан» ташкилоти томонидан «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурини бажариш доирасида ташкил этилган шундай поездлар республикамизнинг ўнта ҳудуди аҳолисига қиймати 566 миллион сўмлик мурувват ёрдамини етказиб берди.

Мария УХАНОВА
(ЎзА)

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ЎзХДП – хотин-қизларнинг мустаҳкам таянчи

КОРХОНА ҚУВВАТИ ОШМОҚДА

Собиқ мустабид тузум пайтида мамлакатимизда миллионлаб тонна пахта етиштирилса-да, у хомашё сифатидагина бошқа республикаларга жўнатиларди. Негаки, бизда пахта хомашёсини қайта ишлайдиган корхоналар саноқли эди.

Мустақиллик шарофати билан юртимизда қатор тўқимачилик ва тикувчилик корхоналари ишга тушдики, ҳозир уларда халқимизга манзур бўладиган кийим-кечаклар, газламалар ишлаб чиқарилмоқда. Аввалига импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрланган бўлса, ҳозир кўплаб халқ истеъмоли буюмлари хорижга экспорт қилинмоқда.

Бундан тўрт йил аввал пойтахтимизнинг Чилонзор туманида ишга туширилган «ALKIM-TEKSTIL» масъулияти чекланган жамият шаклидаги хорижий корхона ҳам мустақиллик фарзандидир. Корхонанинг Устав жамғармаси 3 миллион 129 АҚШ долларини ташкил этади. Унинг асосий фаолияти кенг турдаги трикотаж маҳсулотларини тайёрлашдан иборат. Қисқа вақт ичида улкан ишлаб чиқариш мажмуаси вужудга келди. Тикувчилик, йигирув, тўқув, бўяш, қуритиш ва оҳорлаш цехлари ҳамда маъмурий бино шулар жумласидандир.

Корхонада 2004 йилдаёқ 132,1 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, 106,5 минг АҚШ доллари миқдоридаги сифатли тўқимачилик товарлари экспорт қилинган бўлса, ўтган йили 9 млрд. 393,4 млн. сўмлик турли тайёр трикотаж буюмлари тайёрланиб, 7 млн. 318,2 минг долларлик маҳсулот хорижга сотилди.

Айни пайтда Германия, Болгария, Россия, Туркия, Португалия, АҚШ сингари мамлакатларда корхона маҳсулотларига эҳтиёж ўсиб бораётир.

Бугунги кунда бу ерда 600 киши иш билан таъминланган. Уларнинг аксарияти хотин-қизлардир. Уларнинг маоши 2004 йилда ўртача ойлик 50 минг сўмни ташкил этган бўлса, ўтган йили 80 минг сўмдан ошиб кетди. «Ижтимоий ҳимоя йили»да одамларга ғамхўрлик кучайтирилгани. Ҳар куни ишчиларга иссиқ овқат ва транспорт хизмати ташкиллаштирилмоқда.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ.

Суратларда: Қизлархон Тошпўлатова; тикув цехида.

Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар.

ЎзХДП маҳаллий ташкилотларида

«БУ БАЙРАМ БАРЧАМИЗНИКИ, БУТУН ХАЛҚИМИЗНИКИ!»

Дунёда қувончли кунлар кўп: ютуқлар, муваффақиятлар, саналар, юбилейлар... Лекин, юракда, кўнгилда нишонланадиган, оммавий тус оладиган, барчани бирдек қувонтирадиган байрамлар саноқли. Мустақиллик ана шундай айём, халқимизнинг энг улуғ, энг азиз байрами.

Жойларда «Бу байрам барчамизники, бутун халқимизники» шиори остида турли тадбирлар давом этаётганига анча бўлди.

Яқинда пойтахтимиздаги Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғида мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллиги ҳамда «Маҳалла куни»га бағишланган катта байрам тадбири ташкил этилди. «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳудудидаги 9 та маҳалладан кексаю-ёш иштирокида «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги, «Камолот» ЁИҲ, маънавият ва маърифат маркази, ЎзХДП шаҳарча кенгаши ташаббуси билан ўтказилган мазкур кечада аввало, маҳаллалар ўртасида ўтказилган танловда турли номинациялар бўйича ғолиб бўлган 6 та маҳаллага совринлар топширилди. Болажонлар томонидан тайёрланган дастурлар, санъат усталарининг чиқишлари кечага файз бағишлади.



— Маҳалламизда 6250 нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди «Хислат» маҳалласи оқсоқоли, ЎзХДП фаоли Ботир Саидов. — Ҳозир ҳудудимизда мустақиллигимизнинг 16 йиллигини кутиб олишга тайёргарлик қизғин. Ободонлаштириш ишларини ҳар ким ўз уйи, ўз атрофидан бошлаган. Кўчаларимиз қайта таъмирланаяпти... Энг асосийси, одамларда бунёдкорлик кайфияти шундоққина сезилиб турибди. Ҳар ким хайрли ишлар қилиш, янгилик яратиш, янги ишларни бошлаш фикри билан яшаяпти.

Беҳзод ШУКУРОВ.
Суратларда: *байрам тадбиридан лавҳалар.*
Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар.

МИЛЛИЙ ҒУРУР ТАЯНЧИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

●●●

Халқимиз азалдан ерга меҳрини бериб, ризқ-рўзини ўз қўли билан яратиб келган. Бироқ, бир замонлар даврон чархи шундай терс айландики, қаттол шўро тузуми халқимизни ўзининг яратган бойлигидан маҳрум қилиб, оғзидаги луқмасини ҳам тортиб олди. Мустабид тузум ўзининг зўравонлик сиёсатида озиқ-овқат маҳсулотларидан, айниқса, ғалладан ҳам халқни қарамлик сиртмоғида тутиб турадиган қурол сифатида фойдаланганини кексаларимизнинг ёдидан ҳамон кўтарилган эмас. Ўттизинчи йилларда озиқ-овқат солиғи сифатида деҳқоннинг омборидаги дондуни таг-туги билан супуриб кетилиб, ўзи очлик домига ташлангани, ҳаққини талаб қилган минглаб кишилар душман сифатида қатағонга учрагани ҳақиқат. Кейинчалик замон тинчигандан сўнг ҳам халқимиз рўшнолик кўрмади, суғориладиган ерларнинг деярли ҳаммаси пахтазорга айлантирилди.

Натижада ғалла фақат лалмикор майдонларга экиладиган, об-ҳаво қулай келса, озми-кўпми дон олинадиган, қурғоқчилик йилларида эса омборлар бўш қоладиган вазият вужудга келди. Йилига керак миқдордаги тонналаб ун ҳам, чорва моллари еми ҳам бошқа республикалардан келтириладиган бўлди.

1977 йилда эса республиканинг ўзини ўзи дон маҳсулотлари билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилинди. Шу муносабат билан ўша йили август ойида Жиззах шаҳрида республика ғаллакорларининг кенгаши бўлди. У пайтда асосан Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг сув чиқмайдиган даштларига, қир-адирларига арпа-буғдой экилгани сабабли, шу ҳудудларнинг деҳқонлари ғаллакор ҳисобланар, кенгашга ҳам шу вилоятлардаги туман ва хўжаликларнинг раҳбарлари таклиф этилганди. Кенгаш ўша давр таомилига кўра «баланд руҳда» ўтди, оташин нутқлар сўзланди, белгиланган чора-тадбирлар тасдиқланди.

Қизиғи шунда эдики, қарорда бирор гектар суғориладиган ерни ҳам ғалла учун ажратиш режалаштирилмаган, аксинча фойдаланилмаётган ички имкониятларни ишга солиш назарда тутилган эди. Маълум бўлишича, бу «ички имкониятлар» қир-адирларнинг трактор юриши мумкин бўлган ёнбағирлари, хўжаликларнинг ва аҳолининг чорва моллари боқиладиган даладаштлар, яйловлар экан. Ўша пайтда лалмикор ҳудудларда маълум бир майдонлар алмашлаб экишни жорий этиш мақсадида икки-уч йилга дон экилмасдан қолдириларди, яъни дам бериларди. Юқорининг кўрсатмасига биноан ушбу майдонларга ҳам плуг солинди. Аммо кутилган натижага эришилмади, ёғингарчилик мўл бўлган йилларда бирмунча ҳосил олинса-да, қурғоқчилик рўй берган кезларда меҳнат ва уруғлик ҳавога совирилди.

Маълумки, мамлакатимизда тоғлар, адирлар кўп, баҳор ва кузда тоғда эриган қорларнинг, ёққан ёмғирларнинг суви сойлар, даралар оша пастдаги кенгликларга ҳам тушиб келади. Халқнинг тилида «қўриқ» деб аталадиган бу сайхонликлар доимо ажриқ босиб, ям-яшил бўлиб ётади, чорва моллари йил бўйи шу ерларда ёйилиб юради. Ғаллачиликни ривожлантириш йўлида бошланган васванинг касри шу ерларга ҳам тегди, ер ости сувларини қочириш мақсадида, зовурлар олиниб, нами селгиган ерларга дон экилди. Лекин баҳорнинг поёнида юзага кўтарилган шўр нимжон майсаларни бир қаричлигидаёқ хазон қилди.

Иложсизликдан пахтани алмашлаб экилишга мўлжалланган далаларга дон экиб кўрилди, бу ҳам кутилган самарани бермади. Чунки биринчидан, бу майдонлар кам, иккинчидан, асосий тирикчилиги пахта билан боғлиқ деҳқон учун ортиқча даҳмаза эди. Шунинг учун ғалла хўжакўрсинга экилар, уруғликнинг нави билан ҳеч кимнинг иши бўлмас, парвариши ҳам қўл учида қилинар, натижада арзимас ҳосил олинарди.

Шу тариқа суғориладиган ернинг ҳаммаси пахта билан банд этилган Ўзбекистон учун дон муаммоси кескинлигича қолаверди. Мана шу қарамликнинг аччиқ оқибатларини мустақилликка эришган дастлабки кунларимизда татиб кўрдик.

●●●

Давлатимиз раҳбари 1992 йил 2 июлда бўлиб ўтган Республика Олий Кенгашининг X сессиясида сўзлаган нутқида бу ҳақда шундай деган эдилар: **«Собиқ СССР Канада ва Америкадан ҳар йили 40-50 миллион тонна ғалла сотиб оларди. Шунинг ҳисобидан Ўзбекистонга ҳам улуш берарди. Иттифоқ парчаланиб кетганидан кейин биз йиллик эҳтиёжимизга етарли 6 миллион тонна ғаллани қаёқдан олиб келишни, қаёқдан валюта топишни ўйлаб роса сарсон-саргардон бўлдик. Бугун очиқ айтаверсак бўлади: 1991 йилнинг охири ва 1992 йилнинг бошида кўп нарсаларда узилиш бўлиб, жуда оғир аҳволга тушиб, нақд очарчилик остонасида турар эдик.»**

Гарчи, республика раҳбариятининг аҳолини дон ва ун маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш юзасидан кўрган амалий чора-тадбирлари туфайли тақчилликнинг машаққатлари иложи борича камайтирилган, дастурхонлардан нон узилмаган бўлсада, шўро тузумидан қолган мероснинг асоратларидан қутилиш учун ўн йил вақт кетди.

Ўша йилларда ҳамюртларимизнинг эрталабданоқ нон учун дўконлар эшигида турнақатор навбатда тургани, ҳар ойда хонадонлардаги жон бошига ўлчаб бериладиган ун, гуруч, шакар, пахта ёғи, гугурт, совун каби маҳсулотларни тежаб-тергаб сарфлагани ҳали кўпчиликнинг ёдида.

Халқимиз ориятли халқ. Шундай элнинг ўзгалардан ҳайр-саховат кутиб яшаши шаънимизга асло тўғри келмасди.

Шу боисдан ҳам Президентимизнинг ташаббуси билан пахта экиладиган майдонларнинг бир қисмига ғалла экиш йўли билан озиқ-овқат танглигига барҳам беришга қарор қилинди. Гарчи, пахта толасини сотишдан келадиган валюта мамлакатимизнинг энди қад ростлаётган иқтисодиётини мустаҳкамлаш, ижтимоий, маданий ва ҳарбий соҳалардаги ислоҳотларнинг муваффақиятини таъминлаш учун сув билан ҳаводек зарур бўлса-да, Ўзбекистоннинг обрўси, нуфузи, халқимизнинг қадр-қиммати ҳамма нарсадан юқори қўйилди.

Шунинг учун барча вилоятларда пахта етиштиришни камайтириш ҳисобига энг яхши унумдор ерлар дон экиш учун ажратилди, мамлакатимиз ғалла мустақиллигига эришиш йўлидаги биринчи ва дадил қадам шу тарзда қўйилди. Албатта, бу соҳани ривожлантиришнинг ўзига хос муаммолари кўп эди. Биринчидан, ерларни ҳайдайдиган, уруғ экадиган, ҳосилни ўриб-йиғиб берадиган техникалар эскириб, тўкилиб қолган, иккинчидан, сувли майдонларга экиладиган ғалланинг уруғлик жамғармаси ночор, йиллар давомида бу соҳага етарли эътибор берилмаган эди. Икки муаммо ҳам йўлма-йўл ҳал қилинди, асосий соҳаларнинг улушидан чегириб бўлса-да, зарур хорижий техникалар сотиб олинди, ҳар бир ҳудуднинг ери, суви, иқлимига мос келадиган ғалла навларини яратишга киришилди.

Давлат томонидан қўллаб-қувватланган деҳқонлар ғайрат камарини маҳкам боғлаб, тер тўккани натижасида, 1991 йилда атиги 1 млн. 908 минг тонна ғалла етиштирилган бўлса, 1995 йилга келиб бу кўрсаткич 3 млн. тоннага етди.

1998 йилда ғалла хирмонининг салмоғи 4 млн. тоннадан ошди, ниҳоят 2002 йилга келиб, 5,5 млн. тонна ғалла етиштирилди. Мамлакатда ғалла танқислигига узил-кесил барҳам берилди. Чўнг хирмон тиклаган заҳматкаш ғаллакорларнинг меҳнати самарасидан бутун элнинг қадди тикланди, кўкси тоғдек юксалди, хонадонига қут-барака кирди.

Ширкат хўжаликларининг тугатилиб, ер ва ғалланинг тақдири фермер хўжаликларига топширилгани ўзининг ижобий самарасини берди. Жорий йилдаги барча ҳосилнинг фермерлар томонидан етиштирилганининг ўзи яратган бойликнинг ҳақиқий эгасига айланган инсонларнинг қандай мўъжизалар яратишга қодир эканини яна бир бор намойиш этди.

Маълумки, республикамиз вилоятларининг ер, сув, иқлим шароити бир-бирига ўхшамайди. Омилкор деҳқонларнинг саъй-ҳаракати туфайли ҳар бир ҳудудда ўзига хос илғор тажриба мактаблари вужудга келмоқда. Гектаридан 60-70 центнердан ҳосил олаётган фермер хўжаликлари ҳар бир туман, вилоятда топилади. Андижонликлар эса вилоят бўйича ялпи ҳосилдорликни 60 центнерга етказишган бўлса, Қашқадарё, Самарқанд ва Фарғона вилояти ғаллакорлари ҳам улардан ортда қолмасликка ҳаракат қилишаяпти. Натижада республика бўйича суғориладиган майдонларнинг гектаридан ўртача 48 центнердан сара дон йиғиштириб олинди.

Деҳқонларнинг азму шижоати туфайли яратилган хирмон халқимизнинг эҳтиёжини тўлиқ қоплаш билан биргаликда хорижий мамлакатларга экспорт қилиш имконини ҳам бермоқда. Аммо бу йил эришилган ютуқ охирги марра эмас, ғаллакорларимиз илғор тажрибаларга таяниб, пешқадамларга эргашиб, муҳими, ўз ғалабасидан руҳланиб, мамлакат бўйича ялпи ҳосилдорликни энг илғор хўжаликлар даражасига етказиш йўлида ғайрат-шижоат камарини маҳкам боғлаган.

Чунки яратилажак сара дон хирмонлари Ўзбекистон учун, ўзбек халқи учун оддий озиқ-овқат маҳсулоти эмас, балки мустақиллигимизнинг мустаҳкам таянчи, куч-қудратимиз ва миллий ғуруримизнинг манбаи, келажагимизнинг ишончли пойдеворидир.

Бахтиёр РИЗО.

ЎзХДП: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

ЎзХДП Самарқанд вилоят кенгаши «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда бошланғич партия ташкилотларининг ўрни» мавзуида давра суҳбати ташкил этди. Самарқанд шаҳридаги Фарҳод маҳалласида ўтказилган бу тадбирда БПТ раислари, маҳалла фаоллари ва электорат вакиллари иштирок этдилар. Унда бошланғич партия ташкилотларининг мафкуравий, тарғибот-ташвиқот ишлари ҳамда давлатимиз мустақиллигининг 16 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган тадбирларда иштироки муҳокама қилинди.

ЎзХДП Қўшработ туман кенгаши Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб бошланғич ташкилотлар ва маҳаллаларда «Демократия — фуқаролар эркинликлари, ҳуқуқлари ва бурчларининг мутаносиблиги ҳамда уйғунлигидир» мавзуида учрашувлар ташкил этди.

ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгашида туман, шаҳар партия ташкилотлари раислари иштирокида Мустақилликнинг 16 йиллик тантанасини «Бу байрам барчамизники, бутун халқимизники» шиори остида уюшқоқлик билан нишонлашга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Шунингдек, вилоят партия ташкилотларининг «Ижтимоий ҳимоя йили» тадбирлари доирасида амалга оширган ишлари сарҳисоб, ютуқ ва камчиликлар муҳокама қилинди.

ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши томонидан Урганч шаҳар маҳаллалари фаоллари, бошланғич ташкилотлар раислари, ХДПдан сайланган депутатлар, жамоат ташкилотлари, тижорат банклари ходимлари ҳамда электорат вакиллари иштирокида «Ёш оилаларга ғамхўрлик — келажак пойдевори» мавзуида давра суҳбати ташкил этилди. Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимиз Президентининг ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир Фармони ёш оилаларга жуда катта ғамхўрлик эканлигини таъкидладилар. Мутасаддилар йиғилганларга ушбу Фармондан келиб чиқиб кредитлар олиш борасида атрофлича маълумот бердилар.

Янгиариқ туман партия кенгаши «Камолот» ЁИҲ билан ҳамкорликда тумандаги И.Ибрагимов номли болалар оромгоҳида «Энг яхши китобхон» кўрик-танловини ўтказди. Танлов ғолибларига Фахрий ёрлиқ ва китоблар совға қилинди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати.

МАҲАЛЛА ЁШЛАРИ БЕЛЛАШДИ

Гулистон шаҳрида мустақиллигимизнинг 16 йиллигига бағишлаб «Маҳаллам тарихини ўрганаман» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

«Қадриятлар бешигисан, маҳаллам!» шиори остида ўтган танловда ўндан зиёд маҳалла ёшлари ўзлари истиқомат қилаётган ҳудуд тарихи ҳақида атрофлича маълумот берди. Мустақиллик йилларида маҳаллаларда юз бераётган ўзгаришлар, ёш авлод онгига миллий қадриятларимизни чуқур сингдириш борасида қилинаётган ишлар таҳлил этилди. Қизғин беллашув якунига кўра ғолиблик «Янги ҳаёт» маҳалласи жамоасига насиб этди. «Намуна» ҳамда Т.Аҳмедов номидаги маҳалла ёшлари кейинги ўринларни эгаллади.

Д. ЭСОНОВА, ЎзА мухбири.

Навоий вилояти Нурота туманида мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш ишлари ниҳоясига етмоқда. Айни пайтда янги қурилган ва таъмирдан чиқарилган ўнга яқин замонавий таълим маскани зарур ўқув анжомлари билан жиҳозланмоқда.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ — ЯНГИ МАКТАБДА

Тумандаги Эски қишлоқ ҳудудида 96 ўринли, Янгибино қишлоғида 410, Сентоб қишлоғида 226, Жилонтамғали қишлоғида 422 ўринли мактаблар капитал таъмирдан сўнг янгича қиёфа касб этди. Нурота шаҳрида 411 ўқувчига мўлжалланган барча қулайликларга эга мактаб қад ростлади.

— Янгидан чирой очаётган ўқув масканларимизда спорт заллари барпо этишга алоҳида эътибор қаратилди, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Бекмамат Жумаев. — Қарийб барча мактабларда кўркам спорт заллари мавжуд. Ёшларимизнинг маънан етук ва жисмонан соғлом камол топиши учун барча имкониятлар яратилмоқда.

Ёрқул УМАР, ЎзА мухбири

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

ЖИНОЯТ ИШИ ҚЎЗҒАТИЛДИ

Мухбиримиз шикоят хатларини жойида ўрганиб, ёзган «39 йил «ухлаган» даъво», «Текширганда тушуми кўпаядиган бозор», «Ариза ёзишдан чарчамаётган аризачи» таҳлилий мақоласи газетамизда эълон қилинган эди. Яқинда Фарғона вилоят прокуратурасидан қуйидаги жавоб хати олинди:

«Фарғона вилоят прокуратураси томонидан «Ўзбекистон овози» газетасининг 2007 йил 23 июнь сонида чоп этилган «МУНОСАБАТ ёки таҳририятга келаётган айрим мактублар мазмунмоҳияти ҳақида» умумий сарлавҳали мақолада келтирилган ҳолатлар ўрганиб чиқилди.

1. **«39 йил «ухлаган» даъво»** сарлавҳали мақола бўйича суд қарорларининг қонунийлиги ўрганилган.

Вилоят прокуратураси томонидан судлар қарорларини ўрганиб чиқиш давомида, суд қарорларига нисбатан протест киритишга асослар топилмаган.

2. **«Ариза ёзишдан чарчамаётган аризачи»** мақоласи бўйича 2007 йилнинг май ойида Қўқон шаҳар ДСИ ва бошқа идоралар томонидан ўтказилган текширишда М.ЁДГОРОВнинг аризасида кўрсатилган важлар, яъни корхонанинг ноқонуний хусусийлаштирилганлиги, ишчиларни асоссиз ишдан бўшатиб юборилганлиги, уларнинг акцияларини алдов йўли билан олиб қўйилганлиги ҳолатлари тасдиқланмаган.

3. **«Текширганда тушуми кўпаядиган бозор»** сарлавҳали мақола юзасидан вилоят прокуратураси томонидан газета таҳририятига юборилган жавобга яна қўшимча равишда шуни маълум қиламизки, Олтиариқ туман «Деҳқон бозори» МЧЖда ўтказилган текшириш давомида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти Олтиариқ туман бўлими томонидан «Деҳқон бозори» МЧЖнинг ёғоч бозори назоратчиси Олимов Тоиржонга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилган ва ҳозирда дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Фарғона вилоят прокурори ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси М.ҚУРБОНОВ»

ГИПЕРМАРКЕТ ТЎЙГА ТЎЁНА!

Бугун Самарқандда қад ростлаётган бир-биридан кўркам, ҳашаматли бинолар киши қалбини яйратади.

Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги ва Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига тўёна тарзида топширилиши кўзда тутилаётган Гипермаркет савдо мажмуасида сўнгги безак ишлари амалга оширилмоқда.

Самарқандликлар ҳадемай ушбу жаҳон савдо хизмати талаблари даражасидаги мажмуадан фойдаланиш имкониятига эга бўлишади.

Гипермаркет турли халқ истеъмоли молларини хориж мамлакатларидан ҳеч қандай воситачисиз, тўғридан-тўғри келтириб сотувга қўйиладиган маҳсулотлар дўкони бўлиб, бу ерда мижозларга намунали савдо хизмати кўрсатилади. Маҳсулотлар буюртма асосида исталган хонадонларга устама нархларсиз етказилади. Бундай мажмуа ҳозирча Самарқандда ягонадир.

Одил САРМОНОВ, «Туркистон-пресс».

Тадбиркор Умарбек Шарипов ўз хусусий фирмасида жаҳонга машҳур голландча пишлоқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. У бундан етти йил олдин сут маҳсулотларини қайта ишлашни йўлга қўйиб, корхонасининг ишлаб чиқариш қуввати ва маҳсулотлари сифатини йил сайин ошириб борди. Ўтган йили Москвада

ҮРГАНЧДА ГОЛЛАНДЧА ПИШЛОҚ

ўтказилган озиқ-овқат маҳсулотлари кўргазмасида иштирок этгач, иш жараёнларини бутунлай янгича изга кўчиришга қарор қилди. Қўшимча бинолар тиклади ва янги сақлагич-музлатгич қурди. Бир кеча-кундузда икки минг литр сутни қайта ишлаш қувватига эга хориж линияси сотиб олди.

Ҳозир фирмада бор-йўғи тўрт нафар малакали ходим меҳнат қилмоқда. Улар ҳар куни икки ярим-уч тонна сутни қайта ишлаб, «Тошкент», «Россия», «Латвия» номли пишлоқлар ишлаб чиқаришаяпти. Айниқса, голландча пишлоқ харидорларга маъқул ва манзур бўлмоқда. Муҳими, бу тур пишлоқларнинг 95 фоизини пойтахтимиз ва бошқа вилоятлардаги ҳамкорлари харид қилишмоқда.

Рўзимбой ҲАСАН.

ЭЪТИҚОД ЭРКИНЛИГИ — ИНСОН МАЪНАВИЯТИ БОЙЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ДИН ИШЛАРИ БЎЙИЧА ҚЎМИТА РАИСИ ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ ОРТИҚБЕК ЮСУПОВ БИЛАН СУҲБАТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Асрлар мобайнида Мовароуннаҳр замини ислом маданияти тараққиётида муҳим аҳамият касб этиб келган. Бу ўлкадан етишиб чиққан буюк мутафаккир олимлар нафақат диний илмлар, балки фалсафа, математика, фалакиёт, кимё, тиббиёт ва бошқа шу каби дунёвий илмлар ривожига ҳам улкан ҳисса қўшдилар. Хусусан, Имом Бухорийнинг «Имомул-муҳаддисин», яъни «Муҳаддислар имоми» деб шарафланиши, китоблари энг ишончли ҳадислар тўплами сифатида Қуръони каримдан кейинги китоб мақомида туриши, ислом дини ақидаси ва фалсафаси ривожида имом Мотуридий асарларининг мавқеи, ислом ҳуқуқшунослигида имом Марғинонийнинг «Ҳидоя» асари аҳамияти беқиёсдир. Даврлар оша Мовароуннаҳр заминидан таралган ушбу нур нафақат ислом оламини, балки бутун курраи заминни нурафшон этди, десак, муболаға бўлмайди. Юртбошимизнинг Тошкент шаҳрига «Ислом маданияти пойтахти» мақоми берилиши муносабати билан: «Бугун биз гувоҳ бўлиб турган юксак эътироф ана шундай аждодларимизнинг табаррук номлари ва қолдирган меросига, ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасига берилган муносиб баҳо десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз», деган фикрлари юқоридаги эътироф тасдиғидир.

— Мустақиллик шарофати билан «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши бир замонлар ҳатто дўппи киёлмай, масжидга боролмай қолган халқимизнинг онгу шуурида катта ижобий ўзгаришларга сабаб бўлди, албатта. Ушбу масала бўйича батафсилроқ тўхталсангиз.

— Эътиқод эркинлиги инсон маънавий дунёсининг ажралмас қисми бўлиб, дин, хусусан, ислом таълимотидаги қарашлар бу масалада умумэътироф этилган инсоний тамойиллар билан уйғунлашиб кетган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида барча фуқароларнинг виждон эркинлиги кафолатланган. Ушбу бағрикенглик тамойили 1998 йил май ойида қабул қилинган янги таҳрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунда ҳам ўз ифодасини топган.

Ўзбекистонда мустақилликнинг илк кунлариданоқ динга муносабат «Дунёвийлик — дахрийлик эмас» тамойили асосида аниқ ва принципиал йўлга қўйилди. Давлатнинг динга муносабати «Инсон эътиқодсиз яшай олмайди», деган аниқ ишончга қаратилган. Ушбу қонун айрим нохолис доиралар даъво қилганларидек, диндорларни таъқиб остига олиш, диний ҳаётни жиловлаш, диний ташкилотларнинг фаолиятларини чеклаш учун эмас, аксинча, фуқароларнинг диний эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш лозим, 70 йиллик шўролар тузуми даврида халқимиз диндан мажбуран узоқлаштирилган эди. Истиқлол туфайли динимиз ва миллий қадриятларимиз қайта тикланди. Ислом маданиятига мансуб бўлган, ўтмиш қаридан оламга нур таратиб келган муқаддас обидалар, масжид ва мадрасалар мўмин-мусулмонларга қайтариб берилди. Аждодларимиздан қолган тарихий меросларимиз қайта тикланди, уларнинг илмий асарлари ёш авлод томонидан кенг ўрганила бошланди. Буларнинг самараси ўлароқ, мустақиллик йилларида халқимизнинг диний илмларга бўлган ташналигини қондириш мақсадида бир қанча адабиётлар нашр этилди. Хусусан, Қуръони карим ва ҳадислар тўплами ўзбек тилига таржима қилинди, уламоларимиз томонидан тафсир ва ислом ҳуқуқшунослигига бағишланган кўпгина китоблар ёзилди.

Йилдан-йилга муқаддас қадамжолар — Макка, Мадина ва бошқа шаҳарларга зиёрат қилувчиларнинг сони ортиб бормоқда. Диндорлар эмин-эркин барча амал ва маросимларни тўлиқ бажармоқдалар.

— Диний қадриятларимизнинг тикланиши, буюк аждодларимиз хотираси ардоқланиши, яқин ўтмишда харобага айланган қадамжоларнинг қайта обод этилиб, зиёратгоҳларга айлантирилиши ёш авлод тарбиясида қандай аҳамият касб этмоқда деб ўйлайсиз?

— Мустақиллик сиёсий-иқтисодий, маданий соҳаларда таки, миллий ўзликни англашга, миллий ҳис-туйғу ва ифтихорни ривожлантиришга самарали таъсир этади. Масалан, ёшлар ўз бобокалонларининг илмий, адабий меросларини қанчалик яхши билсалар, маънавий, илмий озуқа олиш, фахрланиш баробарида уларга муносиб бўлишга интиладилар.

Ислом дини баркамол авлодни тарбиялаш, маънавий ва ахлоқий юксакликка даъват этиш билан бирга уни ёмонликлардан, қабиҳ амаллардан қайтариш хусусиятлари билан ажралиб туради. Ислом маънавияти миллий маънавиятимизнинг ажралмас бўлаги эканлиги буюк ватандош алломаларимизнинг хотираларини тиклаш бўйича моман янги даврни бошлаб берди. Халқимизнинг кўп асрлик маданияти тарихини ўрганиш янги давр маънавияти ва тафаккурини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Миллий қадриятларнинг тикланиши, табиийбўлаётган саъй-ҳаракатларда ҳам ўз аксини топмоқда. Рўза ва Қурбон ҳайитлари — дам олиш куни, 9 май — «Хотира ва Қадрлаш куни», 31 август — «Қатағон қурбонларини ёд этиш куни» деб эълон қилинганлиги шундан нишона.

— Мустақиллик йилларида янги таълимдан чиққан, қурилган кўплаб диний илм даргоҳлари — масжид ва мадрасалар очилди. Ислом университети талабалари эзгулик ва покликка чорловчи динимиз асосларини эгаллаш йўлида изланмоқдалар. Тошкентнинг — «Ислом маданияти пойтахти» деб эълон қилиниши эса юртимизда диний қадриятларга бўлган муносабатнинг халқаро миқёсда эътироф этилишига сабаб бўлди, деб баҳоланмоқда.

— Миллий ва диний қадриятларимизга тўғри муносабатда бўлишимизнинг аҳамияти шундаки, истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб, тарихий обидаларимизни қайта тиклаш, қадимий ва бой меросимизни ҳар томонлама асраб-авайлаш ва келажак авлодга безавол етказишга эътибор қаратилди. Жумладан, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Термиз, Хива, Андижон, Фарғона каби шаҳарлардаги тарихий ёдгорликларни таъмирлашга катта аҳамият берилди. Буюк алломаларимизнинг зиёратгоҳлари тикланиб, уларнинг илмий меросларини ўрганилмоқда ва номлари билан боғлиқ жойлар, (жумладан, Шоҳи Зинда мажмуаси) масжид ва мадрасалар ободонлаштирилди.

Диний таълим тизимига ҳам алоҳида эътибор берилаяпти. Илгари диний таълим тизимида фақат Бухородаги «Мир араб» мадрасаси ва Тошкентдаги «Имом Бухорий» номидаги олий маъҳад мавжуд бўлган бўлса, бугунги кунда бу соҳада тўб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ҳозир республика бўйича 10 та ўрта-махсус ислом билим юртлари фаолият кўрсатмоқда. Олий маъҳад Тошкент ислом институтига айлантирилиб, унинг битирувчиларига бакалавр диний билимлари билан бирга турли касб-ҳунарлар ҳам ўргатилмоқда.

Аждодларимиз олтин меросини мукаммал ўрганиш ва олий маълумотли кадрлар тайёрлаш мақсадида Президентимиз Фармони билан 1999 йилда Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Тошкент ислом университети очилди. Унда бугунги ёш авлодга улкан ва бой маданиятимизнинг узвий масалалари бўлмиш — ислом назарияси, тарихи, фалсафаси, ҳуқуқшунослиги, маданияти ва ахлоқи, табиий фанлар чуқур ўргатилмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига яна бир янги мисол тариқасида Республика Президентининг «Ҳазрати имом (Ҳастимом) жамоатчилик жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Қарорини келтириш мумкин. Бу Қарорда «Ҳазрати имом» мажмуасининг тарихимиз, маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти инобатга олиниб, унинг асл тарихий қиёфасини тиклаш, бу ерда кенг кўламли қуриш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, мажмуанинг инфратузилмасини ҳар томонлама ривожлантириш кун тартибига қўйилди ва бу савобли ишларга тезкорлик, куч-ғайрат билан киришилди. Қисқа муддатларда маҳобатли мажмуа барпо этилди. Бу жараёнда обидаларни нафақат қайта тиклаш ва таъмирлаш, айни вақтда уларнинг ён атрофидаги ўзига хос табиий муҳитни асл ҳолида сақлаб қолиш каби масалаларга ҳам жиддий эътибор қаратилди.

Холисона айтадиган бўлсак, ўзбек давлатчилиги тарихида ислом маданияти гуллаб-яшнаши асосан икки даврда кузатилмоқда, дейиш мумкин. Бири бобокалонимиз Амир Темур даври бўлса, иккинчиси эса мустақиллик — бунёдкорлик даврига тўғри келмоқда.

Буларнинг бари миллатнинг ўзлигини англашида ва порлоқ келажак сари боришида ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Суҳбатдош:
Ҳайдар НОСИРОВ.



ЧЕККА ҚИШЛОҚДА ЯНГИ КОЛЛЕЖ

Мустақиллик Бухоро туманидаги «Янги турмуш» қишлоқ фуқаролар йиғинида том маънода янгиланиш, янги ҳаётни бошлаб берди. Авваллари туманнинг бу чекка қишлоғида бор-йўғи битта мактаб бўларди. Кўримсиз дўкону пастқам уйлар ғарибона тусда эди. Ҳозирчи?

— Бугун Истиқлолга қанчадан-қанча шукрона айтсак, арзийди, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Бахтиёр Шарипов. — Бизда 450 ўринли муҳташам касб-ҳунар коллежи қад ростлаши кимнинг хаёлига ҳам келибди дейсиз? Бу хайрли ишни Президентимизнинг қишлоқ ёшларига эътибори ва ғамхўрлиги намунаси дейиш мумкин.

Дарвоқе, бугун тумандаги 47-хўжаликлараро кўчма механизациялашган жамланма жамоаси мазкур иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи биносида охирги пардозлаш ишларини амалга оширмоқда.

— Бу йил мактабимизни битирган ёшларнинг 58 нафари мазкур коллежда ўқишади, — дейди 10-мактаб директори Ихтиёр Муҳаммадиев. — Улар янги ўқув йилидан бошлаб бу ерда банк иши, бухгалтерия ҳисоби, молия, менежмент мутахассисликларини эгаллашади.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Андижон вилоят хўжалик судининг 2007 йил 3 июлдаги №17-0704-4169 сонли ҳал қилув қарори билан Жалақудуқ тумани «Ойим Текстил» қўшма корхонаси, Андижон вилоят хўжалик судининг 2007 йил 2 июлдаги №17-07-05-4105 сонли ҳал қилув қарори билан Андижон шаҳар «Фармҳамкор» хусусий корхонаси банкрот деб эътироф этилган.

Тугатиш ишларини юритиш бўйича Авазбек Шавкатович Аҳмаджонов тугатиш бошқарувчиси этиб тайинланган. Ҳал қилув қароридан келиб чиққан ҳолда Андижон шаҳридаги «Фармҳамкор» хусусий фирмасининг кредиторлар йиғилиши 2007 йил 15 август куни соат 9.00 да Андижон шаҳар ДСИ биносида ўтказилади.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш соат 8.30 да бошланади.

Кун тартибидаги масалалар:

1.Тугатиш бошқарувчисининг ҳисоботи.

2.Кредиторлар талабларининг реестрини тасдиқлаш.

3.«Фармҳамкор» ХФнинг тугатиш жараёнини якунлаш.

Барча кредиторларнинг ваколатнома билан қатнашиши сўралади.

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Андижон шаҳар ДСИ биноси,
тел.: 222-12-29.

Излаган — имкон топар

ИСТИҚЛОЛ САОДАТИ

Гоҳида ҳаётда ишимиз юришмай қолганда бунинг сабабини бировлардан қидирамиз. Фарзандларимиз тарбиясига бефарқ бўлганимиз ҳолда унинг кундалигига «икки» баҳо тушса, ўқитувчини айблаймиз. Рўзғоримизда қийинчиликлар пайдо бўлса, айбдорлар рўйхати янаям узаяди. Қизиғи, бу айбдорлар рўйхатида ўзимиз бўлмаймиз. Лоқайдлигимиз, бепарволигимиз туфайли шундай ҳолат юзага келгани, ҳаммаси ўзимизга боғлиқлиги хаёлимизга келмайди.

Шу ўринда бир ҳаётий воқеага тўхталиб ўтсам. Қашқадарёга борадиган бўлиб қолдим. Йўл узоқ. Ҳамроҳларим зерикканидан ўзи ҳақида гапира кетди. Машинанинг олд ўриндиғида ўтирган одам анча башанг кийинган. Бир қарашда уни катта бир амалдор дейиш мумкин. Ҳамма қатори мен ҳам унинг қаерда ишлаши билан қизиқдим. У бўлса ўз ҳикоясини бошлади:

«Илгари замонда оғир ишга бўйин бермай мактабда, гаражда қоровул, озгина пайт магазин сотувчисига ёрдамчи бўлиб ишладим. Мустақиллик бошида дўконлар молсиз қолгач, ишдан кетдим. Ўшандан сўнг мен ва оилам учун оғир қийинчиликлар бошланди. Бирор ҳунарнинг бошини тутмаганимга жуда афсусландим.

Қўшним катта бир амалдор эди. Бир куни у «ғиштдан девор кўтариб берадиган уста танишларинг йўқми», деб сўраб қолди. Каттагина маблағ беришини айтди. Ўйлаб ўтирмай, бу ишни бажаришни ўз зиммамга олдим. Ўғилларим билан астойдил ишга киришдик. Қурилишни муддатидан олдин тугатдик. Тез орада мижозлар кела бошлади. Қурилиш билан шуғулланишни бошладим. Ғишт теришни ўргандим. Бино томини ёпишни, шифер қоқишни ўргандим. Кичиккина жамоа туздим. Шу тариқа тез орада туманда таниқли устага айландим.

Мен бу даражага эришиш учун 12 йилдан кўпроқ вақт сарфладим. Бу давр ичида мен ўзимни, очилмаган имкониятларимни қайта кашф этдим.»

Ҳамроҳимнинг гапларида жон бор. Ҳар бир инсон ўз имкониятларини ўзи кашф этиш даврида яшаяпмиз. Тадбиркорлик билан шуғулланишга ҳукуматимиз томонидан кенг йўл очилган. Улар фаолияти ҳуқуқий жиҳатдан давлат ҳимоясига олинган бўлиб, тадбиркорлик билан шуғулланишни истаётган оилаларга имтиёзли кредитлар ажратилмоқда. Аҳолининг ижтимоий ҳимояси эса давлат сиёсатининг бош йўналишларидан бирига айланган.

Қишлоғимиздаги бундан беш йил олдинги аҳволни эслайман. У пайтларда колхоз бор эди. Қишлоқ хўжалигида ишлайдиган ҳамқишлоқларим бир йилда бор-йўғи бир-икки маротаба ойлик олишарди ё олишмасди. Биров бошқа ишнинг қўлини тутай демасди. Ҳар куни идора эшиги олдида тўп-тўп бўлишиб, кассирни кутишарди.

Ҳозир эса қишлоғимиз бутунлай ўзгарган. Одамлар дунёқараши ҳам шунга яраша. Олдинги колхоз ўрнида 120 та фермер хўжалиги ташкил топган. 120 нафар қишлоқ мулкдори. Кўпчилиги тажрибали тадбиркорга айланган. Бири ошхона очган, бири майший хизмат уйи, бири эса ўз маблағи эвазига қишлоқ гузарида катта маросимлар уйи, бошқаси катта дўкон қурган.

Фермер бўлолмаганлар эса ўз ҳовлисида иссиқхона ташкил қилган. Уларнинг гапларини тингласангиз, бир қарич ердан миллион-миллион даромад олаётганига гувоҳ бўласиз. Шунинг билан бирга улар қаҳратон қишда ҳам аҳоли дастурхонини сабзавот маҳсулотлари билан бойитмоқда. Қисқаси, энди қишлоқдошларимнинг идора олдида кассирни кутиб ўтиришга вақтлари йўқ.

— Тадбиркорлик қиламан, ишлайман деганга барча имкониятлар яратилган, — дейди қамашилик хусусий тадбиркор Салим Нормуродов. — Бугун айрим кишилар ишламай, ҳалол меҳнат қилишга бўйин ёр бермай, нуқул нолиб юришади. Ахир, бугун кечаги кун билан яшаб бўлмайди. Ҳаракатда баракат, деб бежиз айтишмайди. Мана, ўзим дастлаб ишни уйда парранда боқишдан бошладим. Озгина маблағ тўплаб, қишлоғимизда озиқ-овқат дўкони қурдим. Аста-секин ишларим юришиб кетди, хўжалик ва қурилиш моллари сотишга ҳам киришдим. Илгари қишлоқ аҳли телефон алоқасидан қийналарди. Биргина қўнғироқ учун туман марказига боришга тўғри келарди. Аҳолига қулайлик яратиш ва сифатли хизмат кўрсатиш учун қишлоқдаги телефон тармоғини сотиб олдим. Олдин бор-йўғи 60 та абонентга хизмат кўрсатган телефон тармоғининг мижозлари сони бугун мингтага яқинлашди. Бундан ташқари, уяли алоқа абонентларига хизмат кўрсатиш шохобчаси очдим. Энди эса қишлоғимизда хизмат кўрсатиш уйи, ҳаммом қуришни режалаштирямман. Бунинг эвазига яна олти киши ишли бўлади. Ҳозир тикиш-бичиш цехини қуриш учун кредит олиш мақсадида «Микрокредитбанк»нинг туман бўлимига бизнес лойиҳаси топширганмиз.

Бугун «Ватан, Мустақиллик менга нима берди?», — деб эмас, «Мен Ватанга, Мустақилликка нима бердим», деб яшамоқ даври.

Японларда бир фикр шаклланган экан, яъни улар: «Мен нима қилиб бўлса-да, ўз Ватаним учун бир миллион доллар фойда келтиришим керак» деган мақсад, ақида билан яшашаркан. Эҳтимол, Японияннинг дунёда иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлар қаторига қўшилишига шу фикр сабабчи бўлгандир?

Бугун юртимизда ҳар бир инсонга ҳам ана шу қоида дастуриламал бўлиши лозим. Шунда юртимиз равнақига ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Юнус БЎРОНОВ,
журналист.

САЙЁҲЛАР ТАШРИФИ ЧЕКЛАНДИ

Ҳиндистоннинг археология бошқармаси машҳур Тож Маҳалга сайёҳлар ташрифини чеклашга қарор қилди. Бундан мақсад XVII асрда Шоҳжаҳон томонидан севимли рафиқаси учун бунёд этилган буюк меъморчилик ёдгорлигини сақлаб қолишдан иборат. Экспертлар фикрича, сайёҳлар оқими назорат этилмаётганлиги ушбу нодир масканнинг бетакрор муҳитини бузибгина қолмай, балки унинг ички ва ташқи емирилиш хавфини туғдирмоқда. Мақбаранинг оқ мармар очиқ галереялари ва поллари эса топталмоқда, деворларнинг кўпгина жойларида юз минглаб қўл излари кўзга ташланаяпти. Боз устига мажмуа ичида одамларнинг ҳаддан зиёд тўпланиши хавфсизлик нуқтаи назаридан ҳам ташвиш уйғотмоқда. Чунончи Conservation International ташкилоти назоратсиз сайёҳлик Лотин Америкаси барча маданий мероси ёдгорликларининг ярмига ва Осиё-Тинч океани минтақасидаги ҳар бешинчи ёдгорликка хавф туғдираётганлигини эслатиб ўтади. Расмий статистикага мувофиқ, шу йилнинг ярмида 274 мингта хорижлик сайёҳ Тож Маҳалга ташриф буюрган. Шуни айтиш керакки, яқинда Тож Маҳал янгиланган «Жаҳоннинг етти мўъжизаси» рўйхатидан ўрин олган.



15 СЕНТЯБРГА ҚАДАР КЕЛИШИБ ОЛИШМОҚЧИ

Россия Иқтисодий ривожланиш вазирлиги жорий йилнинг 15 сентябрига қадар Россияда «Mitsubishi» ва «Hyundai» автомобиллари йиғувини амалга ошириш борасида шартнома имзолашини маълум қилди. Инвестиция сиёсати департаменти директорининг ўринбосари Дмитрий Левченковнинг сўзларига кўра, ушбу корпорациялар ҳозир заводлар жойлашадиган минтақаларни қидиришаяпти. Чунончи «Mitsubishi» «номзод» сифатида Санкт-Петербургни мўлжаллаётган бўлса, «Hyundai» ўнта минтақа орасидан бирини танлашда давом этаяпти. Жорий йилнинг сентябрь-октябридаёқ компанияларнинг маҳаллий маъмурлар билан корхоналар қуриладиган майдонни танлаш юзасидан музокараларни бошлаб юбориши кутилмоқда

ДУНЁНИНГ ЭНГ БАДАВЛАТ КИШИЛАРИ РЎЙХАТИДАГИ ЎЗГАРИШ

«Microsoft» компаниясининг асосчиси Билл Гейтс энди жаҳоннинг энг бадавлат кишиси эмас. «Fortune» журнали ўтказган рейтингда Гейтс энг бадавлат кишилар рўйхатининг дастлабки қаторини мексикалик Карлос Слимга бўшатиб берган. Журнал Слимга тегишли компаниялар акцияларининг июлдаги хулосасига асосланган ҳолда унинг бойлигини 59 миллиард долларга баҳолаган. Қатор йиллар мобайнида рейтингга етакчилик қилиб келаётган Гейтс эса бу сафар ўзининг 58 миллиард долларга тенг бойлиги билан иккинчи ўринга тушиб қолди.

Дунёнинг янги биринчи бадавлат кишиси — Карлос Слим асли ливанлик бўлиб, унга тегишли компаниялар Мексика фонд бозорининг камида учдан бирини эгаллаб, мамлакат ялпи ички маҳсулотининг салкам беш фоизини таъминламоқда.

«Fortune» журнали дунёнинг энг бадавлат кишилари рўйхатида етакчининг ўзгарганлигини шарҳлар экан, Гейтс ўз маблағининг каттагина қисмини хайрия мақсадларига сарфлаганлигини таъкидлаган.

САККИЗ МИЛЛИОН ЁШДАГИ БАКТЕРИЯЛАР ЖОНЛАНДИ

Ратгерс университети (АҚШ) олимлари Антарктиканинг ёши юз мингдан саккиз миллион йилгача бўлган музликларидан олинган намуналарни эритиб, улардан топилган микроорганизмларни тадқиқ этишди. «National Geographic News»нинг хабар беришича, энг қадимги намуналардан топилган бактериялар ҳам жонланган. Ёши юз минг йилча бўлган муздаги бактериялар илиқ муҳитда ўса бошлаган. Саккиз миллионча йил музликда қолиб кетган бактериялар эса нимжондир. Микроорганизмлар Антарктиканинг Бикон водийси музликлари намуналаридан топилган.

МУЗЕЙДАГИ ЎҒИРЛИК

Францияннинг Жуль Шере номидаги тасвирий санъат музейидан тўртта қимматбаҳо картина ўғирланди. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, иш вақтида музейга бостириб кирган жиноятчилар ходимларни қўрқитиб, Брейгель, Сислей ва Моне мўйқаламларига мансуб асарларни олиб қочган.

Воқеа юзасидан тергов ишлари олиб борилмоқда.

Спорт

Шокир МЎМИНОВ:

«УЙДАГИЛАР МЕНДАН ДЗЮДОЧИ ЧИҚИШИГА ИШОНИШМАГАНДИ»



Юртимизда дзюдо бўйича ўзига хос мактаб яратилганки, бугун ана шу даргоҳда тажрибали мураббийлардан сабоқ олган спортчиларимиз халқаро мусобақаларда муносиб натижаларни қўлга киритишмоқда. Ҳамюртларимизнинг айниқса, мустақиллик йилларида эришаётган ютуқлари салмоқли бўлаётир. Ўзбекистон спортчилари яхлит жамоа сифатида илк маротаба иштирок этган 1996 йилги Атланта (АҚШ) олимпиадасида дзюдочимиз Армен Бағдасаров (81 кг.) ёзги Олимпия ўйинларининг илк кумуш медалига сазовор бўлганди. Шундан бери ўтган давр мобайнида Санжар Зокиров, Рамзиддин Саидов, Эгамназар Акбаров, Абдулла Тангриев сингари моҳир дзюдочиларимиз ҳам қитъа ва жаҳон чемпионатлари, Бутунжаҳон универсиадаси ва бошқа қатор халқаро турнирларда ўзларини кўрсатишди.

Айни пайтда 73 кг. вазн тоифасида гиламга чиқаётган Шокир Мўминов ҳам Ўзбекистон терма жамоасининг умидли ва иқтидорли дзюдочиларидан саналади. Ҳозирда у бутун эътиборини сентябрда Бразилияда бўладиган навбатдаги жаҳон чемпионатига пухта ҳозирлик кўришга қаратган.

— Отам Турум Мўминов ўз вақтида Сурхон воҳасининг таниқли курашчиларидан бўлган, — дейди халқаро тоифадаги спорт устаси Шокир Мўминов. — Акаларим Шухрат ва Шавкатлар ҳам дзюдо билан шуғулланишган. Менинг курашга қизиқишимда ҳам уларнинг таъсири катта. Илк сабоқларни Денов шаҳридаги стадионда мураббий Абдуҳолиқ полвон Каримовдан олганман. Ўшанда тўққиз ёшда эдим. Дастлаб миллий кураш, сўнгра самбо, эркин кураш турлари билан шуғулланганим учун бўлса керак, уйдагилар сендан барибир полвон чиқмайди, деб кулишарди.

— Дзюдо билан қачондан бошлаб шуғуллангансиз?

— Акам Шавкат Чирчиқ Олимпия захиралари спорт коллежининг дзюдо бўлимида таҳсил олган. 1997 йил Денов шаҳридаги Охунбобоев номли 2-мактабнинг 7-синфини битирганимдан сўнг, у мени Чирчиққа олиб келди. Ана шундан буён, коллежда мураббий Сервер Мурадосилов қўл остида машғулотларни бошлаганман.

Дастлаб 2000 йили ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон биринчилигида 66 кг. вазн тоифасида ғолиб чиққанман. Шундан кейин орадан кўп ўтмай, мураббийлар 2001 йилнинг январида Ҳиндистонда ёшлар ўртасида Индира Ганди хотирасига бағишлаб ўтказилган халқаро турнирга олиб боришди. Ўн бешга яқин давлат дзюдочилари ўртасида ўтган ана шу мусобақада олтин медалга сазовор бўлгандим.

— Демак, сизнинг мураббий ва мутахассислар назарига тушишингизда ушбу ғалаба алоҳида аҳамият касб этган экан-да?

— Шундай деса ҳам бўлади. Аммо менинг терма жамоадан жой олишимда кўпроқ мураббийим Сервер Мурадосиловнинг хизматлари, тинимсиз машғулот ва машаққатли меҳнати ётибди, деб ўйлайман. Чунки мамлакатимизда кейинги йилларда дзюдо жадал ривожланмоқда. Агар ўз устингизда тинимсиз ишлаб, маҳоратингизни ошириб бормасангиз, таркибдаги жойингиздан ажралиб қолишингиз ҳеч гап эмас. 2003 йилдан бошлаб катталар ўртасидаги мусобақаларда Ватанимиз шарафини ҳимоя қила бошлагач эса бу борада зиммамдаги масъулият янада ортди.

— Адашмасам, катталар ўртасидаги илк ғалабангизга ҳам 2003 йилда эришгансиз. Сўнгра орадан кўп ўтмай негадир йирик мусобақаларда кўринмай қолдингиз...

— 2003 йил Жанубий Кореяда ўтказилган Осиё чемпионатида бронза медалига сазовор бўлгандим. Орадан бир йил ўтиб эса Астана шаҳрида ўтган халқаро турнирда бош совринни қўлга киритдим. Москвада ўтган Жаҳон кубоги баҳсларида иккинчи ўринни эгаллаб, 2004 йилнинг декабрида талабалар ўртасида уюштирилган жаҳон чемпионатидан олтин медаль билан қайтгандим. Билсангиз, жароҳат спортчининг биринчи «душмани» бўлади. Ана шу охирги мусобақада орттирган жароҳатим туфайли бир йил кураш майдонидан узоқлашдим. Мураббийимнинг қўллаб-қувватлаши ва ўз вақтида берган далдаси эвазига яна гиламга қайтдим. Кўп ўтмай терма жамоадаги мавқеимни тикладим.

— Шокир, мутахассисларнинг фикрига қараганда, келгуси йили Пекинда бўладиган ёзги Олимпия ўйинларига йўлланма оладиган дзюдочилар орасида сизнинг имкониятингиз юқори экан...

— Ҳар тўрт йилда бир маротаба ўтказиладиган бундай нуфузли мусобақада қатнашишни қайси спортчи орзу қилмайди, дейсиз. Ўтган йилнинг декабрида Қатарда ўтказилган XV Осиё ўйинларида 73 кг. вазн тоифасида бронза медалини қўлга киритгач, ўзимга бўлган ишонч ортди. Натижада шу йилнинг баҳорида Қувайтда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида ҳам шоҳсупанинг учинчи поғонасидан жой олиб, Пекин олимпиадаси йўлланмасини берувчи мазкур мусобақада илк очколарни ўз ҳисобимга ёзиб қўйдим. Энди 12-15 сентябрь кунлари Бразилияда навбатдаги жаҳон чемпионати ўтказилади. Мусобақа низомига кўра, агар унда кучли бешликка кирсам, Пекин олимпиадаси йўлланмаси накд деяверинг. Лекин мен жаҳон чемпионатидан албатта медаль билан қайтмоқчиман. Бунинг учун эса маҳоратим ҳам, кучим ҳам етади.

Эркин ХОЛБОБО суҳбатлашди.

Суратда: *XV Осиё ўйинлари совриндорлари Ўткир Қурбонов, Рамзиддин Саидов ҳамда Шокир Мўминов (ўнгда).*

Миллий қадрият

УЯТ ҲАМ ҲАЁ

...Шифохонанинг тор йўлаги қабулга келган беморлар билан лиқ тўла эди. Ҳаво иссиқ, ҳамма ўзича елпинар, врач текшируви эса чўзилгандан чўзиларди. Шу пайт қора кўзойнак таққан ёшгина бир аёл қизини етаклаб келиб, навбатда турганларга ҳам қарамасдан тўппа-тўғри шифокор эшиги томон юрди.

— Ҳой, қизим, қаёққа? Сиз мендан кейин кирасиз! — кексароқ бемор уни тўхтатмоқчи бўлиб ўрнидан турди.

Шу заҳоти ичкаридан бир бемор чиқди-ю ҳалиги аёл бундан фойдаланиб, врач ҳузурига кириб кетди.

— Ие, бу қанақаси бўлди? — навбат кутаётганлар чувиллашди. Биров у деди, биров бу деди. Ҳалиги аёлнинг ўтирганларга ҳурматсизлиги беморларни тобора ғазабга келтираётганди. Бу орада орадан бир мунча вақт ўтиб аёл қизини етаклаб врач қабулидан чиқди, сўнг «қойил қилдимми» дегандек ҳаммага чимирилиб қаради-ю кўздан ғойиб бўлди.

— Ақалли бир оғиз узр сўрамади-я, ҳаёсиз! — деди кекса бемор инқиллаганича врач эшиги томон йўл оларкан.

Ўтирганлар унинг гапини маъқуллаб бош силкишди.

Мен шу воқеани кузатиб туриб ўйланиб қолдим: ҳаё нима ўзи? Арабчадан олинган бу сўз «ножўя ҳаракатлардан тийилиш» деган маъно англатаркан. Демак, аёлнинг шифохонадаги ножўя ҳаракати ҳаёсизлигидан далолат. Агар у эшикдан кирибоқ «кечирасизлар, мен врачга ҳозир кирмасам бўлмайди» деганида балки беморлар уни олдинга ўтказиб юборишмасди. Лекин у «мен навбатсиз иш битириб қўполлик қилганим учун кечиринглар» деганида ўша одамлар бўлиб ўтган дилхираликни шу зумдаёқ унутишарди. Бундан кўринадики, биз билиб туриб хатога йўл қўяётган кишиларга эмас, балки айбига иқрор бўлиб узр сўраганларга шафқатлироқ эканмиз.

«Хато қилдингизми, дарҳол узр сўранг, шундагина ўзингизни мушкул аҳволда қолишдан сақлаган бўласиз» дея уқтиради руҳшунослар. Чиндан ҳам вақтида сўралмай қолган узрлар кишини кейинчалик изтиробга солади, ич-ичини кемириб асабига зиён етказади. Буни кўпчилигимиз бошимиздан кечирганмиз.

Яқинда таҳририятга келган бир йигит ўзи ҳақида гапираётиб, товуши титраб кетди. «Мен шундай иш қилганманки, бунинг учун бир умр ўзимни кечиролмасам керак» деди.

— Нима бўлганди, очиқроқ гапиринг, — сўрадим ундан.

— Ёшлик қилиб... жаҳл устида отамга қўл кўтарганман!

— Ие, наҳотки?! Кейин дарров узр сўрамадингизми?

— Ўзим ҳам шуни ўйлаб қийналаяпман-да. Жанжалдан сўнг эшикни қаттиқ ёпдиму ўқишимга жўнавордим. Сўнг қилган ишимдан афсусландим. «Имтиҳонларимни топшириб бўлгач, совға-салом билан бориб отамнинг кўнглини оламан» деб ўйладим. Ўша кунларда уйимиздагилар отам касалхонага тушиб қолганини хабар қилишди. Юраги хаста эди. Мен дарров йўлга отландим. Борсам... Кечиккан эканман.

Биз ҳам бу воқеадан изтиробга тушдик.

— Кечикканингиз жуда ёмон бўлибди, лекин шуни ўйлаб ҳанузгача азоб чекиб юришингиз тўғри эмас, — дедик йигитни юпатиб. — Ахир кўнглингизда узр сўраш нияти бўлган эди-ку, шундайми? Фақат улгуролмагансиз, холос. Демак, ўзингизни кечириб яшашингизга асос етарли.

Йигит шу гапимиздан сўнг бироз енгил тортгандек бўлди.

Ҳадиси шарифда узрни қабул қилиш ҳам бир фазилат экани таъкидланиб, «Кечиримлилик иймондандир» дейилади. Биз доимо ўзимизни ва ўзгаларни кечириб яшашга одатланишимиз жоиз экан. Алишер Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» асарида шунга оид бир ҳикоят бор. Унда келтирилишича, бир базмда баковул дастурхонга таом олиб бораётиб тошга қоқилибди. Қоқилибди-ю, қўлидаги иссиқ овқат шоҳнинг устига тўкилибди. Бу ҳолдан бутун жамоат ҳайрону лол қолибди. Одамлар «энди шоҳ баковулни ўлимга буюрса керак» деб ишнинг ниҳоясини кутибдилар. Шоҳ эса баковулнинг хижолатдан бош кўтаролмай турганини кўриб, гуноҳидан ўтибди. Шунда вазир «нега бундай қилдингиз олампаноҳ, ахир у ўлимга лойиқ эди-ку» деганида, шоҳ «қара, унинг ўзи хижолатдан ўлиб бўлди, мен уни яна ўлдирайми?» деган экан.

Лекин орамизда ножоиз иш қилса-да, бундан заррача тап тортмайдиган кишилар ҳам бор. Бундай тоифа бошқалардан кечирим сўрашни ўзларига эп кўрмайди, яъни такаббурлик билан йўлларига бурилиб кетаверадилар. «Хато — хатонинг дояси» деганларидек, ўз вақтида тузатилмаган қинғирлик бошқа бир иллатни бошлаб келади. Оқибатда шаънига доғ тушиб, кўпчиликнинг назаридан қолишгача бориб етадилар.

Энди юқорида айтилган барча мулоҳазаларни фикр тарозисига солиб кўрайлик. Борди-ю хато қилсак, дарҳол узр сўрашга чоғланармикинмиз? Кечиримли бўлишга-чи? Аслида шу иккиси ҳам инсон шаънини улуғловчи фазилат, аниқроғи, аждодлардан бизга мерос қолган қадриятдир.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO'RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Abdurasul JUMAQUL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas'ul kotib 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 223-79-98

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Akbar JONUZOQOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 749
8253 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.20
Topshirilgan vaqti — 22.00
2 3 4 5 6
Sotuvda erkin narxda

Интер-спорт

БЕКХЭМ КИНОДА ЎЙНАМОҚЧИ

Таниқли футболчи Дэвид Бекхэм билан моҳир қўшиқчи Робби Уильямс қизиқарли бўлиши кутилаётган «Шаддод уй бекаси» кўп серияли фильмида роль ўйнаш учун таклиф қилинган. Кино ижодкор Марк Черри ҳар икки роль ижрочиси айни пайтда Лос-Анжелесда истиқомат қилаётгани мақсадга мувофиқ, деб билмоқда. Унинг фикрича, Дэвид билан Робби янги қўшнилар ролини ижро этишга жуда мос келар экан. Чунки уларнинг иккови ҳам қувноқ ва одамохунлиги билан ажралиб туради. Фильмнинг оммабоп бўлиши кутилмоқда.

ЧЕМПИОН ҚАМАЛИШИ МУМКИН

Ўтган йили фигурали учиш бўйича жаҳон чемпиони номига сазовор бўлган Максим Ставис ноқулай аҳволга тушиб қолди. У Болгария кўчаларида катта тезликда машина бошқариб, йўл транспорт ҳалокатини юзага келтирган. Спортчининг «Hammer»и бурилаётиб, кўчанинг қарши йўналишига чиқиб қолган ва «Honda», кейин «Audi» машиналарига урилиб кетган. «Honda»ни бошқараётган 23 ёшли йигитнинг касалхонада жони узилган. Унга ҳамроҳлик қилган кишининг ҳам аҳволи жуда оғир. Умуман ана шу автоҳалокат туфайли 5 нафар киши жароҳатланган. Лекин чемпионга зарар етмаган. Қизиғи шундаки, Максимнинг машинани юқори тезликда ҳайдаши баробарида яна спиртли ичимлик ичгани ҳам аниқланган. Мамлакат қонунчилигига биноан чемпион 3 йилдан 10 йилгача қамалиши мумкин экан.

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши ижроия қўмитаси Юнусобод туман партия кенгаши аъзоси **Абдуваҳоб Абдураҳмонович ТОШПЎЛАТОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик изҳор қилади.

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши ижроия қўмитаси Миробод туман партия кенгаши раиси ўринбосари О.Хожимуҳамедовга онаси **Раҳима ая ҚОДИРОВА**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор қилади.

ШАРАФЛИ КАСБ ЭГАСИ

Оиламизда кимдир бетоб бўлиб қолса ёки саломатлигимизга озгина путур етса, дарҳол кўз олдимизга оқ халатли шифокорлар келади. Уларнинг кўзларига нажот билан тикиламиз. Жаҳонда ззгуликка хизмат қилувчи иккита касб эгаси бўлса — бири шифокор, агар битта бўлса у ҳам шифокордир, деган эди алломалардан бири. Дарҳақиқат, шифокорлар бор экан, миллат саломат, ҳаётимиз ҳам қувончли ва шавқли кечади.

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 14-оилавий поликлиникада ишлаб келаётган тажрибали шифокор Зумрадхон Шоқосимова ҳам ана шундай шарафли касб эгаларидан. Отаси — тиббиёт фанлари доктори Абдувоҳид Сиддиқовнинг бемор болаларни чинакам меҳр билан даволаши унда беихтиёр шу касбга иштиёқ уйғотганди. Бу қизиқиш бўлғуси врачни 1974 йили ҳозирги Тошкент педиатрия-тиббиёт институтига етаклади...

Зумрадхон Шоқосимова ўз касбининг устаси, фидойи, ширинсўз оила шифокори сифатида бугун туман аҳолисига сидқидилдан хизмат қилиб келмоқда. Шу билан бирга беш фарзанднинг меҳрибон онаси, ёш ҳамкасбларига маслаҳатгўй устоз.

Арофат НАБИХЎЖАЕВА.

Суратда: *Зумрадхон Шоқосимова (чапда) ҳамкасби билан.*

Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган сурат.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари»дан хушхабар!
Мустақиллик куни муносабати билан!

UZBEKISTAN airways

Тошкент – Навоий – Тошкент
йўналиши бўйича парвозлар қайтадан йўлга қўйилди

Душанба ва шанба кунлари:
Тошкент — Навоий 07.00 08.40
Навоий — Тошкент 09.20 10.30

Чоршанба кунлари:
Тошкент — Навоий 09.20 11.00
Навоий — Тошкент 11.40 12.50

Қатновлар жадвали, жойларнинг мавжудлиги, авиачипталар ва бошқа маълумотларни олиш учун телефонлар (ҳар куни 8-00 дан 19-00 гача):
(998 71) 140 02 00
www.uzairways.com

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» - хавфсизлик, барқарорлик, қулайлик!»

Вниманию руководителей предприятий и организаций!

УПРАВЛЕНИЕ МАТЕРИАЛЬНО-ТЕХНИЧЕСКОГО СНАБЖЕНИЯ МВД РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАНА ОБЪЯВЛЯЕТ О ПРОВЕДЕНИИ ТЕНДЕРА НА ИЗГОТОВЛЕНИЕ И ПОСТАВКУ

ЗИМНИХ ГОЛОВНЫХ УБОРОВ, КУРТОК ПЛАЩЕВЫХ ЗИМНИХ, КУРТОК ЗИМНИХ КАМУФЛИРОВАННЫХ, ОБУВИ, РУБАШЕК, ОДЕЖДЫ ПОЖАРНЫХ, БЕЛЬЯ.

Адрес: Республика Узбекистан, 100070, г.Ташкент. ул.Ш.Руставели, тупик 1, дом 1

Последний срок приема предложений от претендентов на участие в тендере 17.00 часов 10 сентября 2007 года.

За справками и тендерной документацией обращаться ежедневно с 9.00 до 19.00
по тел.: 810998 (3712) 153-74-16, 361-43-72, 136-39-60, 55-85-03
Факс: 810998 (371) 361-43-72,
E-mail: umtvs@uzpak.uz.
Дополнительная информация размещена на сайте: www.dgMarket.uz